

Абонентский договор  
на предоставление услуг телекоммуникации с юридическим лицом  
(индивидуальным предпринимателем без образования юридического лица)

г. Фергана

№ NET-35 от 20/01/2022г

1. «Ўзбектелеком» АК номидан 2021 йил 31 декабрь кунги № 27-01-14/6024 -сонли ишончнома асосида иш юритувчи директор В.В.Ежков, кейинчалик «Оператор» деб номланадиган бир томондан ва Ободонлаштириши бошкармаси , амалдаги Устав (Қоида, рўйхатга олинганилик тўғрисида Гувоҳнома, ишончнома) асосида иш кўрадиган М.Турдалиев бошка томондан, кейинчалик алоҳида «Абонент» леб номланадиган, «Томонлар» ҳамкорлигида телекоммуникация хизматларини тақдим этиш бўйича куйидагилар тўғрисида мазкур Абонент шартномаси тузилди (матн давомида - Шартнома).

1.1. Телекоммуникация хизматлари тақдим этиш бўйича мазкур шартнома имзоланган вактдан бошлаб абонент (жумладан, минтакавий вакилик ва филиаллар) билан илтари тузиленган шартнома ўз кучини йўқотган хисобланади.

2. Абонент, телекоммуникация хизматлари тақдим этиш бўйича мазкур шартномани имзолами билан расмий сайтда эълон қилинган «Ўзбектелеком» АК оммавий оферта шартларини кабул қиласи. Абонент оммавий оферта матни (Оммавий офертанинг тўлиқ матни оператор сотувлар оғисларида, оператор агентлари сотувлар оғисларида ва операторнинг расмий WEB-сайтида жойлаштирилган) билан таништирилган. Абонент оператор тақдим этадиган хизматларга тегишили тўловларни амалга оширилганлигини тасдиқловчи молиявий хужжатни олиш учун олдиндан аванс тўловини амалга ошириши операторнинг оммавий оферта шартлари(акцептлари)ни сўзсиз кабул килганилиги бўлиб хисобланади.

3. Абонент мазкур шартномани имзолаганидан сўнг, оператор унда техник имкониятлари мавжудлигини текшириди. Техник имкониятлар мавжуд бўлганида, оператор шартномани ўз томонидан имзолайди ва абонентта идентификация рақамини тақдим этади. Абонентта идентификация рақами тақдим этилганидан кейин олдиндан аванс тўловини амалга ошириши мумкин. Техник имкониятлар мавжуд бўлмаганида, оператор томонидан шартномани имзолангунинг кадар, мазкур хужжат унга телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши учун абонентнинг аризаси бўлиб хисобланади.

3.1. Абонентни телекоммуникация хизматларига улаш шартлари ва тарифлар (нархи) мазкур шартноманинг ажralmas кисми бўлган иловаларда белгиланган ва мазкур шартнома кучга кирган вактдан бошлаб кучга киради:

1-и洛ва. Кўрсатилётган хизматлар:

- «Мобил алоқа (телефония, маълумотлар узатиш, VAS) хизматлари тариф режаси»;
- «Интернет (КПУ, IP телефония, VPN) тармоғига доимий корпоратив уланиш хизматлари тариф режаси»;
- «IPTV хизматлари тариф режаси»;
- «Виртуал хостинг» хизматлари тариф режаси»;
- «Булатли видеокузатиш» хизматлари тариф режаси»;
- «Умумий фойдаланинг телефония (ТФОП, PSTN) хизматлари тариф режаси».

2-и洛ва. Ишларни кабул килиш ва алоҳида уланишини синов(тест)дан ўтказиш далолатномаси(АКГи).

3.2. Абонент томонидан оператор тақлиф этган хизматлар рўйхатидан ташловга мувофиқ томонлар бир иловани расмийлаштиришлари мумкин.

3.3. Томонлар амал килиб турган иловалардан бирининг ўрнига янги и洛ва имзолаган тақдирларида, томонлар мазкур шартномага кўшимча келишув имзолани вактидан бошлаб охиргиси ўз кучини йўқотади.

4. Мазкур шартнома бўйича хизматлар нархи иловага мувофиқ белгиланади.

4.1. Тарифлар абонент билан шартнома тузишда ва оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида хисоб-китоб учун мажбурий бўлиб хисобланади. Хизматларга барча тарифлар миллий валютада хисобланади ва мазкур шартнома тузилиши вактида ўрнатилган барча солик ва йигимларни ўз ичига олади.

4.2. Шартнома нархи тақдим этиладиган хизматлар ҳажми билан мазкур шартнома 3.1 пунктида кўреатилган иловага мувофиқ белгиланади ва куйидагилардан иборат бўлади:

Жами 180000 (Бир юз саксон минг ) сўм ККС билан/ ККСиз, бундан 13800\_ (Ун уч минг саккиз юз) сўм микдордаги абонент тўловини ўз ичига олади ККС билан/ ККСиз ва ( ) сўм микдорида бир маргалик тўлов ККС билан/ ККСиз.

4.3. Мазкур шартнома нархи/ абонент тўлови оширилган тақдирда, пул микдори томонлар имзолаган мазкур шартномага кўшимча келишув/ счет-фактура асосида тўлов амалга оширилади.

4.4. Абонент 100 (юз) фонз хизмат тўловини тўлов билан ҳар ой келаси ой хисоб даври(хисобот даври)га қадар олдиндан тўловни, кўрсатилган хизматлар учун танлаб олинган тарифлар хажми/тариф режасига мувофик, пул маблагларини мазкур шартноманинг 7-пунктида белгиланган оператор шахсий хисобига пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

4.5. Биринчи ой хизматлардан фойдаланганлик учун абонент тўловини амалга ошириш мазкур шартнома имзоланганидан кейин 7 (етти) календарь куни мобайнида амалга оширилади. Биринчи абонент тўловининг киритилиши билан маблағдан ойининг қолган кунларига қадар хисоб ечиб олиниди. Олдиндан аванс тўлов шартнома асосида тегишли иловага мувофик, танлаб олинган хизмат тури учун ҳар бир ойга олдиндан тўлов хисоби асосида амалга оширилиши мумкин.

4.6. Агар абонент хисоб рақамида хизмат кўрсатилиши учун маблағ старли бўлмаса, оператор мазкур шартномага мувофик Хизмат кўрсатади. Оператор томонидан уланган хизматдан фойдаланилмаганлик ва хизмат тўхтатилганини абонентнинг улар учун тўловдан озод этилишига асос бўлмайди.

4.7. Абонентга оператордан реклама акциялари даврида тақдим этиладиган бонус кўриннишида кўшиладиган барча маблағ факат оператор хизматларига тўловлар сифатида сарфланиши мумкин ва шартнома бекор килинганида абонентга пул шаклида тақдим этилмайди.

4.8. Тақдим этилган хизматлар мазкур шартномага ҳавола билан ҳар бир тақдим этилган хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилган счёт-фактуралар билан ёпилади. Мазкур шартномада кўрсатилган илова 3.1.-шунигига мувофик, ҳар бир календарь ойи учун алоҳида счёт-фактурада тақдим этилган хизматнинг муайян тури маблағ ҳажми микдори кўрсатилади. Агар 5 (беш) иш куни мобайнида абонент ўз эътиrozларини ёзма шаклда ёки факс бўйича тақдим этмаса, мазкур хизмат тури бўйича счёт-фактура у томонидан кабул килинган ва хизматлар тўғри кўрсатилган бўлиб хисобланади. Абонентнинг эътиrozлари исосланган тақдирда, оператор келгуси ойда хизмат кўрсатилишида хисобларга тегишли тузатишлар киритади.

5. Абонент оммавий оферта коидалари тўлиқ тасдиқлаши ва сўзсиз кабул килишини билдириди. Оммавий офертада баён этилган шартноманинг барча мавжуд шартлари (предмети, тарифлар ва хизматлар тури, томонларнинг ҳукук ва мажбуриятлари, хисоблар шакл ва тартиби, масъулият ва бошқалар) оммавий офертага мувофик белгиланади. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган холатларда томонлар Ўзбекистон Республикаси конунчилигига асосланадилар.

6. Мазкур шартнома абонент томонидан оммавий оферта акцептини (имзолаган) амалга оширган вактдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабр га қадар амал килади. (Мазкур шартнома абонент томонидан тегишли бюджетдан ташқари давлат органларига мувофик рўйхатдан ўтказилади). Бунда агар шартномада кўрсатилган амал килиш муддати якунланса, шу муддат якунлангунга қадар томонлар унинг шартларини бажариша давом этадилар ва унинг бекор килинишини бирорта ҳам томон талаб килмаса шартнома ҳар йил узайтирилади.

6.1. Мазкур шартнома оператор расмий сайтида эълон килинган оммавий оферта шартлари коидалари ва кўшимчалари агар шундайлар мавжуд бўлса, шартнома мавзусига нисбатан оператор ва абонент ўртасида тўлиқ шартнома тузилади.

6.2. Мазкур шартнома шартларида оммавий оферта шартларига қарама-карши шартлар юзага келса, оммавий оферта шартлари ва коидалари устун кучга эга деб хисобланади.

6.3. Томонларнинг маизили ва банк маълумотлари(реквизитлари), уларнинг муассислари ҳужжатлари, жумладан, мулк эгаси, унинг ташкилий-хукукий шакллари ва бошқалар ўзгарган тақдирла ҳам, шартнома ўз кучида қолади. Бунда томонлар 10 (үн) кун муддат мобайнида бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

6.4. Шартномага ўзгартириш ва кўшимчалар агар улар ёзма шаклда бажарилган ва ваколатли шахслар томонидан имзоланган, томонлар мухри билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий деб хисобланади.

6.5. Мазкур 2 (икки) нусхада тузилди, ҳар бир томон учун биттадан.

7. Томонларнинг маизили ва банк маълумотлари(реквизитлари):

Оператор

Абонент

«Ўзбектелеком» АК  
 Тошкент ш. АТ "Алокабанк"  
 Х/р: 20210000704074838356  
 МФО: 00401 ОҚД: 61100  
 ИНН: 203366731  
 ККС туловчи рўйхат коди: 3260300013817



В.В.Ежков

Ободонлаштириш бошкармаси  
 Бешарик шаҳри Олтин водий кучаси  
 ШХВ: 100022860302157065200110001  
 ИИН: 206994051 ИФУТ: 92930  
 Банк: Марказий банк Тошкент ХККММ  
 МФО: 00014 ИИН: \_\_\_\_\_ Имзо:  
 Имзо:

М.Турдалиев



2022 й /январ/  
 № 18 шартномага  
 1-сонли илова

**Кўреатилаётган хизматлар номи ва уларнинг тарифлари**  
**Ўлчов биргиги Миллий валюта - Сум**

№	Хизматлар номи Хизматлар номинаименован ие услуг	Нархи (НДС били)	Асос	Микдор и	Сумма (НДС били)	
					3	4
1.	<i>Бир мартали туловлар</i>					
1.1	Бир дона ракамин рўйхатга олиш учун			Нархнома		
	Сузлашув учун	12			3850	46200
1.2	<i>Хар ойлик туловлар</i>					
2	Абонент тулов	6900		Нархнома	2	13800
3	жами					60000

Кўрсатилган Иловага мувофиқ шартноманинг микдори куйидагича бўлади  
180 000 (Бир ўз саксон минг \_\_\_\_\_) сўм,  
Бундан 13800 (Ун уч минг саккиз ўз )сўм микдордаги ойлик абонен тўловини  
ўз ичига олади.

Шартноманинг микдори ошган тақдирда хар ойда ошган кисми тулаб  
берилади

Оператор

Абонент



Имзо:

\_\_\_\_\_



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI  
BESHARIQ TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

150300, Beshariq tumani, Oltin Vodiy ko'chasi, 46-uy, tel.: (998 73) 612 21 19,  
[www.farg'ona.adliya.uz](http://www.farg'ona.adliya.uz), el.pochta: beshariq.t-yurmarkaz@adliya.uz

21.01.2022 yil

Beshariq tuman  
Obodonlashtirish boshqarmasi

### XULOSA

(Obodonlashtirish boshqarmasining  
№ NET-35 shartnoma loyihasiga)

**1.Loyihaning turi:** Shartnoma.

**2.Loyhaning nomi** Internet va telekommunikatsiya xizmatlarini ko'rsatish  
to'g'risidagi № NET-35 sonli shartnoma.

**3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**  
Beshariq tuman Obodonlashtirish boshqarmasini tomonidan 2022 yil 20 yanvar kuni  
ishlab chiqilib, 2022 yil 21 yanvar markazga taqdim qilingan.

**4.Loyiha bo'yicha taklif:** Beshariq tuman Obodonlashtirish boshqarmasi  
hamda "O'zbektelekom" AK Farg'ona filiali o'rtaida internet va  
telekommunikatsiya xizmatlarini ko'rsatish to'g'risidagi № NET 35-sonli tuzilgan  
shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiqligi o'rganib chiqildi.

Shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdag'i  
"Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi  
to'g'risida"gi 670-I-sonli Qonunining 10-moddasi (Xo'jalik shartnomasiga nisbatan  
qoyiladigan talablar)ga muvofiq ishlab chiqilgan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 27 sentyabrdagi PQ-3953-  
son qarori bilan tasdiqlangan Davlat buyurtmachilarini tomonidan to'g'ridan-to'g'ri  
shartnomalar bo'yicha xarid qilinadigan tovarlar (ishlar, xizmatlar) ro'yxatining 4-  
bandida, avval tuzilgan shartnomalardagi yetkazib beruvchilar bilan aloqa, internet  
va teleradiouzatish xizmatlari bo'yicha xaridlar uchun to'g'ridan-to'g'ri  
shartnomalar tuzishi mumkinligi ko'rsatilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga  
ko'ra:

### XULOSA

Mazkur shartnoma loyihasini tuzish amaldagi qonunchilikka muvofiq  
hisoblanadi.

Beshariq tuman YuXKM  
bosh yuriskonsulti:



A.Farmonov